# Давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Данғара туманида буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Маънавий маърифий тадбири олдидан туман маданият марказида жойлашган Алишер Навоий бюстига туман ҳокимининг ўринбосарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, адабиётшунос олимлар, зиёлилар, талаба-ёшлар томонидан эхтиром кўрсатилди.

Маънавий маърифий тадбирнинг бадий қисмида Алишер Навоийнинг бебаҳо меросини ўрганиш ва келажак авлодларга етказиш йўлидаги хайрли ишлар эътироф этилди.

Назм ва наво тадбирида туман маданият маркази ходимлари томонидан Навоий ғазалларидан қўшиқлар куйланди. Ёшлар шоирнинг ижод намуналаридан ёд айтиб, ёши улуғларга хушкайфият улашдилар.

2024-02-12 18:19:33